
#Инсон_қадри Бугунги кунда мамлакатимизда ишсиз фуқароларга бўлган эътибор ва ғамхўрлик туфайли Бағдод туманидаги кўплаб аҳолининг йиллар давомида тўпланиб қолган муаммолари ўз ечимини топмоқда.

Ўз муаммолари билан рўйхатга олинган ёшларни, хотин-қизларни ҳунарга ўрганиб, ўзи ёқтирган касбини мукаммал эгаллашларига имкон яратилди. Касбини ривожлантиришни хоҳлаганларга иш қуроллари олиб берилиб бандлиги таъминланмоқда.

Куни кеча Бағдод туманидаги 46- мактаб ҳовлисида 1-, 3- сектор ҳудудидаги “Аёллар дафтари”, “Ёшлар дафтари”, “Темир дафтар”да турувчи ишсиз фуқароларга субсидия асосида тикув машиналари, мини тракторлар ҳамда маҳсус иш анжомлари топширилди.

Тадбирда иштирок этган Фарғона вилояти ҳокимининг биринчи ўринbosари Хабиб Сирожитдинов ва Бағдод тумани ҳокими Фанижон Солиевлар субсидия асосида берилган иш қуроллари, тикув машиналари ҳар бир тумандошимизга ўзини-ўзи иш билан банд қилиб, оиласига қўшимча даромад келтириш имконияти яратилганлигини таъкидладилар.

Бағдод тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати (https://t.me/bagdodim_news)

2024-05-24 23:27:21